

Тарих ўқитишнинг оғзаки методлари

Жумаева Шоира Саттаровна

Олтинсой тумани 25-умумий ўрта таълим
мактаби тарих фани ўқитувчиси

Тарихий материалларни оғзаки баён қилиш бир қанча усул ва туркумларда амалга оширилади. Ўқитиш методларини таърифлашда ўқитувчининг ўқитиши ва ўқувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти усулларида иборат эканлигини назарда тутиш керак.

Тарихий материалларни оғзаки баён қилиш ўқитувчиларнинг фаол фикрлаш асосида ўқувчиларни ўқитишга, ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчиларнинг илмий билимларини ўзлаштириши ва амалда қуллана билишлари, ёш авлод онги ва калбига миллий истиклол ғояларини сингдириш ва уларда миллий истикдол мафкурасини шакллантириш долзарб вазифадир.

Тарихий материални оғзаки баён қилиш монолог формада, баён этиш, таърифлаш, тавсифнома бериш, тушунтириш, муҳрама қилиш, суҳбат, қисқача баён қилиш, ҳикоя қилиш, суратлар воситасида таърифлаш, аналитик (булақларга булиб) таърифлаш ва бошқа туркумлар орқали амалга оширилади.

Тарих таълимида ўқитувчининг жонли нутқи ўқувчиларнинг куз унгида инсоният ҳаётининг энг қадимги даврлардан XIX аср бошларига қадар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш тўғрисидаги билимлар қиради. Жонли нутқ ўқувчи онгига тез етиб боради, уни маълум хулосаларга олиб келади, тарихий жараённинг қонуниятларини тушунишни осонлаштиради, ўқувчиларга тарихий материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш намунасини кўрсатиб беради.

Ўқитувчининг жонли нутқи пухта билим ва малака манбаи бўлиши билан бирга, жуда катта тарбияловчи қучга эга. Ўқитувчи нутқидаги мантиқ урғунинг қучи, далилларнинг жонли ва ишонарли бўлиши ўқувчиларнинг онгига, ҳис-туйғуларига қучли таъсир кўрсатади, уларни фикрлашга ўргатади, маълум хулосаларга олиб келади, тарихий жараёни, унинг қобилятларини тугри тушунишга ёрдам беради.

Ўқитувчининг жонли нутқи ўқувчиларнинг билим олишидаги бошқа манбалар, қурғазмали қуроллар ва текстларнинг мазмунини тушуниш, улар устида мустақил ишлаш ва фикр юритишга ҳам йул очиб беради.

Ўқитувчи дарс жараёнида, ўқув материалларини оғзаки баён қилиб бериш билан чегараланиб қолмасдан, ҳар-қил қўрғазмали қуроллар (расм-суратлар, иллюстрация, қарикатуралар, қўшимча малумотлар, тарқатма материаллар, «аклий хулусум» интернет материаллари, мультимедиялар, ўқув уйинлари) дан фойдаланилади.

Ўқитувчининг жонли нутқи ўқувчиларнинг ўқиш-ўрганиши ва билим фаолиятини бошқаришни, унга раҳбарлик қилишнинг методик усуллари ва воситаларини ҳам ўзига мужассамлаштиради. Жонли нутқнинг бу имкониятларидан оқилона фойдаланиш ўқувчилар билимининг пухта ва мустақам бўлишини ўқувчини мустақил иш ташкил қилишга имкон яратади. Ҳикоя методида тарихни баён қилиш тарихий воқеанинг тулиқ картинасини очиб беради. Ҳикоя методининг асосий дидактик вазифаси ўқувчиларда тарихий воқеа ҳақида қонкрет ва кўрсатмали бўлади.

Ҳикоянинг қонкрет бўлиши ўқувчиларнинг тарихий ҳрдисалардаги моҳиятни ва тарихий мақон, тарихий давр, тарихий ижтимоий ҳаракат, уни ҳаракатга қелтирувчи қучлари, ижтимоий гуруҳ, табақа, қабила, уруғ, халқ миллият ва уларнинг тараққиёт боқичлари ҳусусияларини тушуниб олишларига ёрдам беради. Ҳикоя ёрқин, энг типик муҳим тарихий фактлар асосида тузилади. Ҳикоя

тарихий материални баён қилиш методи сифатида асосан қуйидаги ҳолларда:

1. таълим-тарбия жихатидан муҳим ва уларни ўрганиш ўқувчилар онгида чуқур ва эркин из қолдирадиган йирик тарихий воқеаларни баён қилишда;

2. ўқувчиларда янги тарихий ҳодисалар ҳақида мазмунли ва аниқ тасаввур яратиш зарур бўлган пайтда қулланилади. Ҳикоя ўқувчиларда тарихий воқеалар ҳақида жонли тасаввур яратиш билан бирга уларни маълум умумий хулосаларга ҳам олиб келади. Маъруза методи фақат ажратилган вақтнинг кўп ёки озлиги билан эмас, балки ўзининг мазмуни, ўқитиш ва ўрганишнинг метод ва усуллари жихатидан ҳам олий мактаблардаги маърузалардан фарқ қилади. Ўқитувчи маъруза мавзуси билан бирга уни баён қилиш режасини эълон қилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини маърузада ёш авлод онги ва калбига миллий истиқлол ғояларини сингдириш ва уларда миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш ҳамда ахлокий жихатдан муҳим бўлган томонларига қаратади, чиқарилган хулоса ва умумлашмаларни қисқа ва аниқ ифодалаб беради ва уларни ўқувчилар ёзиб оладилар.

Мактаб маърузасида суҳбат методининг элементлари қулланилади. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини жадаллаштириш, уларнинг диққатини маърузанинг муҳим жараёнларига жалб қилиш мақсадида саволлар қуйиб борилади. Мактаб маърузаси баён қилинган материал юзасидан яқин суҳбат билан тугайди.

Мактаб маърузасининг ақалли энг муҳим жойларини ўқувчилар ёзиб улгуриши учун маъруза нисбатан секин ўқилади. Мактаб маърузаси ёш авлод нутқини ривожлантиришда, уларнинг ўз фикрларини эркин айта олишларига имкон беради, мактаб маърузасига методист В.Н.Бернадский томонидан қўйилган асосий талаблар ҳозирги кунда ҳам уз аҳамиятини йўқотган эмас. Бу талаблар қуйидагилардан иборат эди:

1. Маъруза илмий жихатдан мукамал бўлиши керак.

2. Маъруза дарслик мазмунидан кенг, уни кўп жихатдан конкретлаштирилиши лозим. Маъруза мазмуни дарслик мазмунидан қисқа ёки айнан шу мазмундан иборат бўлиб қўйилса, уни ўқувчилар бутунлай тингламай қўйишади.

3. Ўқувчиларни ўтмишни жонли идрок этишлари учун маъруза мазмунан кўргазмали бўлиши керак.

4. Маъруза ўқувчиларни фикрлашга ўргатиши, тарихий воқеаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш намунасини кўрсатиши, ўқувчиларнинг тарихий фикрлашини тарбиялаши лозим.

5. Маърузанинг ўқувчиларга етиб бориши учун, ўқитувчи ўзининг нутқи устида кўп ишлаши лозим.

Адабиётлар Рўйхати

1. Ислон Каримов Тарихий хотирасиз келажак йуқ Тошкент. «Шарқ», 1998.
2. Ислон Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари Тошкент. «Ўзбекистон», 1998.
3. Бабанский Ю.К. «Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари» Тошкент. «Ўзбекистон», 1990.
4. Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиш методикаси Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
5. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Махкамов С. Тарих дан ўқув уйинлари «Узлуксиз таълим» журнали 2006 № 1.